



**ИМОМ ТАҲОВИЙНИНГ "ШАРҲИ МАЪОНИЛ ОСОР" АСАРИ ВА УНИНГ
ҲАДИС ИЛМИДА ТУТГАН ҶУРНИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10687494>

Абдурахимов Юсуф Анасович

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
"Ҳадис ва ислом тарихи фанлари" кафедра ўқитувчиси
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар*

yusufanas0407@gmail.com

[+998913524773](tel:+998913524773)

Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг "Шарҳу Маъонил осор" асари у зот томонидан таълиф этилган асарларнинг энг каттаси ва мўътабари саналади. Муқаддимада айтилганидек, ишнинг мавзуси ана шу асардир.

Ҳадис илми тарихидан бизга маълумки, «анъанавий» муҳаддислардан ташқари, бирор мазҳабга тегишли олимлар ҳам ҳадис жамлаганлар. Бу олимлар фақат ўз мазҳабларида далил сифатида ишлатиладиган ҳадисларни жамлаб, уларни яҳлит ҳолга келтирганлар. Жумладан, ханафий олимлари ўз мазҳабларига оид ҳадисларни, саҳоба ва тобиийлардан қолган «осор» (ёдгорлик, ривоят, сўз)лар ва бошқа ривоятларни махсус китобларга жамлаганлар. Улардан Абу Юсуфнинг (ваф. 182/798 й.) «ал-Осор», Имом Муҳаммад Шайбонийнинг (ваф. 189/804 й.) «Китаб ал-осор», Абдуллоҳ ас-Субазмуний (ваф. 340/952 й.)нинг «Муснад Аби Ҳанифа» ва биз ўрганаётган Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) «Мушкил ал-осор», «Шарҳ мушкил ал-осор», «Шарҳ маъоний ал-осор», китобларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ушбу мўътабар асар Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган, баъзилар уларнинг баъзиси баъзисига зид келади, деб гумон қилган ҳадисларга бағишланган. Муаллиф унда уларнинг носих-мансухини, муқайяд ва мутлақларини айтган. Шунингдек, уларга амал қилиниш-қилинмаслигини ҳам баён этган.

"Шарҳу Маъонил осор" китоби аҳкомга оид ҳадислар шарҳига бағишланган мўътабар асар саналади. Усул ал-фикҳга оид манбалардан маълумки, 3000 (уч минг) атрофидаги шаръий ҳукм олинадиган "аҳком ҳадислар" мавжуд. "Кашф ал-асрор"да мингдан ортиқ "аҳком ҳадислар" бор дейилган.⁶

⁶ Абдулазиз ал-Бухорий. Кашф ал-асрор. 2-жилд. – Миср: Амирия, 1898. – Б. 170; Мулла Жеван ал-Ханафий. Нур ал-анвор // "Кашф ал-асрор" билан бирга. – Б. 169)



Ибн Ҳажар Асқалоний "Итҳоф ул-маҳара" номли асарида "Шарху Маъонил осор" ни олти саҳиҳ ҳадислар тўпламидаги ҳадисларни ўзида жамлаган китоб, деб айтади ва бу унинг ўзида ҳадисларнинг санади ва матнига оид, уларнинг истинбот қилиш услубларига оид, уларга муориз бўлган йўлларни баёнига ва носих ва мансухларига, жарҳ ва таъдилга оид кўплаб фойдаларни жамлаганидан эди. Мазкурларнинг барчаси унда келтирилаётган ҳадисларни қабул қилиш ёки қабул қилмасликка ёрдам берар эди. Шу билан бирга китобнинг тартиби ва назми ҳам гўзал услубда ёзилгандир", деди.⁷

"Шарху Маъонил осор" китоби қадимдан ва ҳозирда ҳам олимларнинг эътиборини ўзига тортиб келган. Унга турли даврларда олимлар томонидан шарҳлар, мухтасарлар, таҳрижлар ва баёнлар ёзилган. Улардаги рижолларнинг таржимаи ҳолларига бағишланган катта-катта асарлар битилган. Уларда келтирилган ҳадисларнинг таҳрижлари қилинган.

а) Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг "Шарху Маъонил осор" асарининг ҳадисга оид асарлар орасида тутган ўрни

Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг "Шарху Маъонил осор" асари ислом асарлари орасида энг улуғи ва нафисларидандир. Фойдалари беҳад кўп, манфаатлари бисёрдир. У ўзида бир қанча хислатларни жамлаган. Буни уни яхшилаб кўздан кечирган киши билади. Ушбу китобнинг қиймати бир неча асрлардан бери ислом уламолари томонидан олқиш ва мақтовларга сазовор бўлиб келмоқда. Қуйида уларнинг баъзиларини келтирамыз:

Бадриддин Айний айтади: "Ушбу китобга инсоф билан қараган киши унда кўплаб бошқа машҳур ҳадис тўпламларига йўл кўрсатувчи иршодларни топади. Бу нарса озгина тааммул ва мулоҳаза билан кўзга кўринади. Фақат, жоҳил ва мутаассиб кишиларгина буни инкор этади". Бу китобнинг фикҳни ҳосил қилиш йўлида назари ва ўхшаши йўқдир, зотан уни мутолаа қилган киши фикҳга йўл топади ва фикҳни эгаллашга малака ҳосил қилади. Гарчи бу гап кўпчиликка ёқмаса ҳам шундайдир"

Кавсарий айтади: "Таҳовийнинг манфаатли асарларидан бўлган асар бу "Шарху Маъонил осор" дирки, муаллиф унда хилофли масалалрни ҳам очик баён этган."

Итқоний эса "Савмул Ҳидоя"да касал кишининг намозларини қазоси борасида шундай келтиради: "Агар Абу Жаъфарнинг фикрига қарши чиқмоқчи бўлсанг, уни "Шарху Маъонил осор" асарига қара?! Унинг бу асари орқали унинг мазҳабини бошқа мазҳаблардан ортиқликни кўрасан"

⁷ Ибн Ҳажар Асқалоний "Итҳофул маҳара" Марказу хидматис сунна ва с-сиярун набавия. Мадина, 1-ж, 159-б.



Ибн Ҳазм эса аввал икки саҳиҳайн, сўнгра Саъид ибн Саканнинг асари, сўнгра Ибн Жоруднинг Мунтақоси, Қосим ибн Асбағнинг Мунтақоси зикр қилгач Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг "Шарҳу Маъонил осор" ини зикр қилади.⁸

Каттоний эса "Шарҳу Маъонил осор" ни зикр қилгач, шундай дейди: "Бу боб ва китобларга тақсим этилган улуғ китоб бўлиб, унда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган, аммо баъзилар назарида уларнинг баъзиси баъзисига зид келади, деб гумон қилинган ҳодиси набавияларнинг носих-мансухлари, мукаййад ва мутлақлари ва уларга амал қилиш лозим бўлганлари билан бирга баён этилгандир".

Ибн Халдун ўз Тарихида шундай келтирган: "Шарҳу Маъонил осор" икки саҳиҳайн даражасига етмасада, мўътабар китобдир".

б) Асарнинг номланиши. Имом Абу Жаъфар Таҳовий асарнинг номини унга ёзган муқаддимада келтирмаган. Аммо уни Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг фатҳларига бағишлаб ёзган асарида "Биз буни Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисларга бағишлаб ёзган "Шарҳу Маъонил осор" номли китобимизда келтирган эдик, бу ерда уларни қайтаришга ҳожат йўқ", деб ёзган. Шунинг ушбу китобнинг номини ўзининг "Шарҳи мушкилул осор" номли китобида ҳам келтирган ва "Биз буни "Шарҳу Маъонил осор" номли китобимизнинг айни мавзудаги бобида айтиб ўтганмиз", деб айтган.

Ушбуларга кўра мазкур асарни Имом Абу Жаъфар Таҳовийга нисбат берган кўплаб тарихчи уламолар унинг номини "Шарҳу Маъонил осор" деб келтирганлар. Улардан, Ибн Надим "Фихрестида, Абу Абдуллоҳ Самирий "Абу Ҳанифа ва асхоблари" номли асарида, Ибн Таймия "Минҳожус-сунна"да, Ибн Асокир "тариху Димашқ"да, Каттоний "Рисолтул мустатриқа"да, Ибн Баттол "Шарҳу Саҳиҳул Бухорий"да, Ибн Абдулбарр "Ат-тамҳид лима фий Мувадто минал маъоний вал асонид"да, Абдуррахмон Муборакфурий "Тухфатул Аҳвазий"да ва бошқалар шундай келтирганлар. Баъзи тарихчилар эса унинг исмини "шарҳу" сўзини кўшмасдан "Маъонил осор" деб айтганлар. Масалан, Ҳофиз Ибн Ҳажар "Фатҳул Борий"да, заҳабий "Тарихул ислом" ва "Тазкирутул хуффо", "Сияру аълумун-нубало"да, Чалабий "Кашфуз зунун"да, доктор Финдик "Иктифоъул қунуъ бима хувал-матбуъ" номли асарида, Сиддиқ Ҳасанхон "Ал-Ҳитта фи зикри сихоҳис-ситта"да, Исмоил Бошо Ал-Бобоний "ҳадиятул орифин да, Мусо Шохин Лошин "Фатҳул Мунъим шарҳу Саҳиҳул Муслим"да шундай келтирганлар. Буларнинг барчасига Абдулҳай Лакнавий муносиб хулосани берган ва

⁸Муҳаммад Жамолиддин Қосимий. Қавоид ат-таҳдис. – Байрут. Дор ал- кутуб ал-илмия, нашр йили йўқ.



шундай деган: "Мен Таҳовийнинг "Маъонил осор" асарини ўқиб чиқдим. Уни муаллиф "Шарху Маъонил осор" деб номлаган, бироқ аксар уламоларнинг уни "Маъонил осор" деб айтишгани ихтисор йўлига кўра бўлган".

в) Асарининг ёзилиш сабаби

Имом Абу Жаъфар Таҳовий "Шарху Маъонил осор"нинг муқаддимасида унинг ёзилиши сабабини қуйидагича кўрсатади: "Илм аҳлларида баъзи асҳобларимиз шундай бир китоб таълиф этишимизни сўраб илтимос қилдилар. Унда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан келган, аммо баъзи инкор қилувчилар, илм-маърифатлари озлигидан, уларни носих-мансухини ажрата олмаганидан, уларни бир-бирига зид келади, деб даъво қилувчиларга ҳужжат бўлиши, унда турли боблари бўлган ва уларда ана шу носих-мансухлари баён қилинган, уламоларнинг у ҳадислар атрофида айтган фикрлари келтирилган ва менинг наздимда саҳиҳи бўлган қавллари баён қилинган бўлиши илтимос қилдилар. Мен уларнинг ушбу илтимосини қабул қилдим ва кўп фикр-мулоҳаза қилиб қаттиқ киришдим. Унда улар айтганларидек турли бобларни келтирдим ва уларда ўша баҳсли мунозаларни баён этдим".⁹

Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий роҳматуллоҳи алайҳ "Шарху Маъонил осор"да мазҳаблар орасида ихтилофли бўлган масалаларни ҳадисларга, қиёсларга суяниб ҳанафий мазҳабининг ҳукмлари ҳадисга суянишини ва бу мазҳаб "Аҳли раъй" (Фикр аҳли) эмаслигини исботлаб берганлар.

Шу ўринда айни мазмун ҳақида кенгрок тўхталиб ўтсак. Исломдаги аҳли суннат ва жамоат таълимотига эргашувчи амалдаги тўрт мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик ва ҳанбалийликнинг ҳар бирининг асосини Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар ташкил қилади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифлари ҳар бир мазҳаб фикрига асосий манба бўлиб хизмат қилади. Улардан ҳеч бири ҳадиси шарифдан ташқари чиқмайди, ҳадиси шариф турганда, ўз раъйлари ва ўз фикрларини илгари суришмайди. Бу, айниқса, ҳанафийлик мазҳабида ёққол ўз ифодасини топган. Бироқ, афсуски, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ўзларининг шогирдлари билан бирга ҳанафийлик мазҳабини таъсис қила бошлаган даврдан буён то ҳозирги кунларимизгача ушбу мазҳаб аҳлига "аҳли раъй" деган тамға босилиб келади. Бу, асосан, салбий маънода ишлатилади. Яъни, дин ва мазҳаб душманлари: "Ушбу мазҳаб вакиллари ўз фикрларини оят ва ҳадисдан устун қўядилар; улар ҳадис турганда, уни олмасдан, ўз раъй-фикрларига эргашадилар; ҳадисни олмасдан Имоми

⁹ Имом Абу Жаъфар Таҳовий. "Шарху Маъонил осор". Муҳаммад Зухрий Нажжор таҳқиқи остида. "Олимул китоб". 1-ж, 11-с.



Аъзамнинг гапани оладилар”, деганга ўхшаш ботил, пуч, бекор, тухмат ва бўхтонни айтиб келадилар.

Таникли муҳаддис олим, шофеъий фақиҳи Ибн Ҳажар ал-Ҳайтабий раҳимаҳуллоҳ Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг маноқиблари тўғрисида бир рисола ёзган бўлиб, унда бундай сатрлар мавжуд: “Билгинки, уламоларнинг Абу Ҳанифа ва унинг шогирдларини “асҳоби раъй” дейишларидан мақсад уларни камситиш, уларни ўз раъйларини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан ва у зотнинг саҳобаларининг гапларидан устун қўяди, деб нисбатлаш эмаслигини тушунмоғинг лозим! Чунки, улар бундан холидирлар!”¹⁰

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг ҳаётини ёритган тадқиқотчилар у зотнинг 4000 (тўрт минг) нафар устози – шайхи бўлганлигини қайд қилганлар. Зотан, у зот ўз даврида илм марказларидан бири ҳисобланган Кўфада яшаб, илму ирфонга эга бўлганлар. Бу хилдаги устозлар ҳузурда, илм марказида ҳадисларсиз ўз мазҳабини шакллантириб, уни бутун дунёга тарқалишига сабабчи бўлиш асло мумкин эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Агар ҳар бир устозидан биттадан ҳадис ўрганиб ёд олган тақдирда ҳам, 4000 та ҳадисни ёдлаган бўлиб чиқади. Ҳолбуки, усул ал-фикҳга оид манбалардан маълумки, 3000 (уч минг) атрофидаги шаръий ҳукм олинадиган “аҳком ҳадислар” мавжуд, холос. “Кашф ал-асрор”да мингдан ортиқ “аҳком ҳадислар” бор дейилган.¹¹

Ҳақиқат шуки, ҳанафий мазҳабида бошқа мазҳабларга нисбатан ҳадисга эргашиш ортиқроқдир, ҳаммадан кўра бу мазҳаб соҳиблари ҳадислар маъносини чуқурроқ ва мукамалроқ тушуниб етадилар. Ҳанафийликнинг асосий манбаси Қуръони каримдир. Ундан сўнг ҳадиси шарифлар энг асосий манба ҳисобланади. Ҳатто, ҳанафий мазҳаби тадқиқотчи олимларидан бири Мавлоно Али ал-Қори раҳимаҳуллоҳ ўзларининг “Мирқот ал-мафотих” асарларида бундай деганлар:

أَنَّ مَذْهَبَهُمُ الْقَوِيُّ تَقْدِيمُ الْحَدِيثِ الضَّعِيفِ عَلَى الْقِيَاسِ الْمَجْرَدِ الَّذِي يَحْتَمِلُ التَّزْيِيفَ

“Албатта, ҳанафийларнинг кучли мазҳаби заиф ҳадисни сохталик эҳтимоли бўлган қурук қиёсга устун қўйишдир!”¹²

Ҳанафийлик мазҳабида заиф ҳадис турганда қиёсга, раъйга ўрин йўқ, заиф ҳадисга амал қилинади. Бу ҳанафий мазҳабининг бошқа мазҳаблардан кўра устунлигини кўрсатади. Улар қанчалик ҳадисга амал қилишни даъво қилсалар ҳам, бирор бир масалага заиф ҳадисдан бошқа далил бўлмаса, унга амал қилмасдан ўз раъй-фикрларига кўра қиёс қилиб ҳукм чиқарадилар.

¹⁰ Ибн Ҳажар ал-Ҳайтабий. Ал-Хайрот ал-ҳисон. – Миср, Саодат, 1906. – Б. 30.

¹¹ Абдулазиз ал-Бухорий. Кашф ал-асрор. 2-жилд. – Миср: Амирия, 1898. – Б. 170; Мулла Жеван ал-Ҳанафий. Нур ал-анвор // “Кашф ал-асрор” билан бирга. – Б. 169/

¹² Али ал-Қори. Мирқот ал-мафотих. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-фикр, 1994. – Б. 35.



Ҳанафийликда эса ундай эмас. Бирор бир масалага заиф ҳадисдан бошқа далил бўлмаган тақдирда, заиф ҳадисга амал қилинади, раъй-фикрга суяниб қиёс қилинмайди. Хуллас, ханафийликда заиф ҳадис барча турлари билан мужтаҳиднинг ёки бирор бир фақиҳнинг гапидан устун ҳисобланади. Ҳатто, ханафийликда саҳобанинг гапи қиёс ва раъйдан муқаддам тутилади! Ҳанафийликда “мурсал” ҳадис барча турлари билан ҳужжат ҳисобланади. Мавлоно Али ал-қори “Шарҳ ан-Никоя”да бундай деганлар:

إعلم أن علماءنا رحمهم الله تعالى أكثر إتباعا للسنة من غيرهم و ذلك أنهم اتبعوا السلف في قبول المرسل معتقدين أنه كالمسند في المعتمد مع الإجماع على قبول مراسيل الصحابة من غير النزاع

“Билгинки, бизнинг уламоларимиз бошқалардан кўра суннатга кўпроқ эргашувчирокдирлар! Шунинг учун, улар салафи солиҳинларга мурсални қабул қилишда эргашганлар. Уни ишонч жиҳатдан муснадга ўхшаш деб эътиқод қилувчидирлар. Ҳеч қандай низосиз саҳобанинг мурсаллари қабул қилишга ижмоъ мавжуддир!”.¹³

“Мурсал” – тобеъиннинг ҳадисни қайси саҳобадан эшитганини зикр қилмасдан, тўғридан-тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар, деб ҳадис айтишидир. Муҳаддислар жамоаси бундай ҳадисларга заиф ва мардуд деб қараганлар. Саҳобанинг “мурсал”и эса унинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини шахсан эшитмаганлиги ёки феълларини шахсан ўзи кўрмасдан ривоят қилганлигидир. Саҳоба кичик ёшда бўлган бўлиши ёки бирор гапни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айнан оғизларидан эшитмай қолган ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бирор ишни қилганлигининг гувоҳи бўлмай қолган бўлиши мумкин. Бу ҳолатларнинг барчаси ханафийларда далил қилинади.

Катта ёшли тобеъинлардан бири агар саҳобалар даврида фатво бериш билан шуғулланган бўлса, унинг гапи ханафийларда албатта инобатга олинади. Унинг гапи турган жойда бошқа далил бўлмаса, қиёсга йўл қўйилмайди. Шунингдек, кичик ёшли тобеъин бўлишларига қарамасдан Иброҳим ан-Нахаъий раҳимаҳуллоҳнинг гаплари ва ривоятлари қиёсдан устун ҳисобланади. Чунки, у зот мазҳаббошимиз Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг бобокалон устозлари ҳисобланади.¹⁴ Тобеъинларнинг энг улуғи Саъид ибн ал-Мусайяб раҳимаҳуллоҳ Мадина фақиҳларининг забони бўлса, Иброҳим ан-Нахаъий раҳимаҳуллоҳ Кўфа фақиҳларининг забонидир! Шундай экан, Кўфада шаклланган ханафийлик мазҳабида Иброҳим ан-Нахаъий раҳимаҳуллоҳнинг гаплари ва фатволари сўзсиз инобатга олинishi шак-шубҳасиздир.

¹³ Али ал-Қорий. Фатҳ боб ал-иноя. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-арқам, 1997. – Б. 32.

¹⁴ Зафар Аҳмад ал-Усманий. Қавоид фий улум ал-ҳадис. “Эъло ус-сунан” таркибида. – Байрут: Дор ал-фикр, 2001. – Б. 8927-8928.



Бу ҳақиқатларни билмаганлар, тушунмаганлар эса ҳанафийлик мазҳабига таъна-дашном қилаверадилар. Ҳанафийлик мазҳаби фикҳини, усулий қоидаларини яхши билган одамларга бу ҳақиқатлар маълумдир.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ: “Аллоҳдан ва унинг Расулидан келган нарсаларни бош-у кўз устига қабул қиламиз! Саҳобадан келган нарсаларнинг эса энг яхшисини танлаб эргашамиз! Уларнинг гапларидан ташқари чиқмаймиз! Тобеъинлардан келган нарсалар борасида эса биз ҳам илм одамларимиз, улар ҳам илм одамлари! Тобеъинларнинг имомлари агар саҳобалар даврида фатво берган бўлсалар, фатво жихатдан уларга муружаатлар қилинган бўлса, уларга ижтиҳод қилишга рухсат берилган бўлса, мен уларга иқтидо қиламан! Жумладан, Қози Шурайх, Масруқ ва Алкама раҳимаҳумуллоҳ кабилар”, деганликлари у зотнинг таржимаи ҳоли ёритилган барча манбаларда тилга олинади.

Ҳанафий мазҳабига кўпроқ таъна қилувчиларнинг маънавий раҳнамоларидан бири Ибн ал-Қаййим раҳимаҳуллоҳ “Эълom ал-мувқеъин” асарида бундай деганлар. Унинг мазкур эътирофидан ҳанафий мазҳабида ҳадислар раъй ва қиёсдан устун ҳисобланиши ва муқаддам тутилиши аниқ бўлади:

و أصحاب أبي حنيفة رحمه الله مُجمعون على أنّ مذهب أبي حنيفة أنّ ضعيف الحديث عنده أولى من القياس و
الرأى و على ذلك بنى مذهبه كما قدم حديث القهقهة مع ضعفه على القياس و الرأى و قدم حديث الوضوء بنبذ التمر
فى السفر مع ضعفه على الرأى و القياس و منع قطع السارق بسرقة أقل من عشرة دراهم. و الحديث فيه ضعيف و
شرط فى إقامة الجمعة المصر و الحديث فيه كذلك و ترك القياس المحض فى مسائل الآبار لآثار فيها غير مرفوعة
فتقديم الحديث الضعيف و آثار الصحابة على القياس و الرأى قوله و قول الإمام أحمد

“Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг шогирдлари шунга иттифок қилганларки, унинг мазҳабида заиф ҳадис қиёс ва раъйдан кўра яхшироқдир. Унинг мазҳаби шунга кўра бино қилинган. Чунончи, “қаҳқаҳа ҳадиси» заиф бўлишига қарамасдан қиёс ва раъйга муқаддам қилинган. Сафарда хурмо шарбатига таҳорат қилиш ҳақидаги ҳадисни эса заиф бўлишига қарамасдан раъй ва қиёсга устун саналган. Ўн дирҳамдан озроқ нарсани ўғирлаш билан ўғрининг кўли чопилмайди. Бу тўғридаги ҳадис ҳам заифдир. Ҳайз муддатининг энг кўпини ўн кун деб олинган. Бу ҳақидаги ҳадис ҳам заифдир. Жумани барпо қилиш учун шаҳар бўлишини шарт қилинган. Шу хилда бу тўғридаги ҳадис ҳам заифдир. Марфуъ ҳадис бўлмаса-да, заиф ҳадис борлиги учун қудуқлар тўғрисидаги масалаларда ҳам аниқ қиёсни тарк қилинган. Хуллас, заиф ҳадисни ва саҳобаларнинг гапларини Абу Ҳанифа



раҳимахуллоҳнинг гапида қиёс ва раъйдан устун қўйилган. Имом Аҳмад раҳимахуллоҳнинг ҳам гапи шундай”.¹⁵

Эски зоҳирийларнинг катта олимларидан Ибн Ҳазм раҳимахуллоҳ ўзларининг 8 жилдлик “ал-Иҳком фий усул ал-аҳком” номли асарларидан бундай деганлар:

و قال أبو حنيفة الخبر المرسل و الضعيف عن رسول الله صلى الله عليه و سلم أولى من القياس و لا يحل القياس مع وجوده

“Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан етиб келган мурсал ва заиф хабар қиёсдан кўра яхшироқдир! У мавжуд пайтда қиёс ҳалол бўлмайдир!”,¹⁶ деганлар”.

Демак, тўртта мазҳабнинг ҳеч бир таъсисчиси ҳадиси шарифдан ташқари чиқмаган, ҳадиси шариф турганда, ўз раъйлари ва ўз фикрларини илгари суришмаган. Ким уларга ҳадисни қўйиб, ўз раъй-фикрига эргашган деса, уларга нисбатан жуда катта тухмат ва бўҳтон қилган бўлади. Хусусан, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг ҳанафий мазҳабида ҳадисларга жуда катта эътибор қаратилади. Улар ҳар томонлама пухта текширилади, ровийлар силсилалари, матн мазмуни қайта-қайта кўриб чиқилади. Бошқа ҳадисларнинг ровийлари ва матнлари билан қиёсий таҳлил қилинади. Бир мавзудаги битта ҳадисга амал қилиб кетилавермайди, балки шу мавзудаги барча ҳадислар кўриб чиқилади, солиштирилади, мувофиқлаштирилади, ўзаро қарама-қарши кўринган ҳадислар мазмуни текширилади. Ҳадисларнинг мазмуни Қуръони карим оятларининг мазмуни билан ҳам солиштириб чиқилади. Ҳадислар заиф ёки мурсал бўлган тақдирда, агар улардан бошқа далил бўлмаса, раъй ва қиёсга ҳам йўл қўйилмайди, балки ушбу ҳадисларга амал қилинаверади. Шу жиҳатдан, ҳанафийлик мазҳаби бошқа мазҳаблардан устунлик касб қилиб туради. Уни билмаган кишилар шофеъийлик ёки ҳанбалийликда ҳадисларга амал қилинади-ю, ҳанафийлар ҳадисларни олмайди, деб ўйлашади. Агар масала чуқур кўриб чиқилса, уларнинг ўй-фикрлари аксинча бўлиб чиқади. Умуман олганда, ҳанафийлик ҳадисни ўз раъй-фикрлари ва қиёсларидан устун санайдиган мазҳаб саналади.¹⁷

Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг "Шарҳу Маъонил осор" асарида тутган йўллари

Имом Абу Жаъфар Таҳовий "Шарҳу Маъонил осор" асарида қуйидаги услубларни қўллаган:

¹⁵ Ибн Қаййим ал-Жавзия. Иълом ал-муваққиъин. 2-жилд. – Риез: Дор Ибн ал-Жавзий, 2002. 1-жилд. – Б. 145-146

¹⁶ Нуриддин Атр. Манҳаж ан-нақд фи улум ал-ҳадис. – Дамашк: Дор ал- фикр, 1988. – Б. 539.

¹⁷Нуриддин Атр. Манҳаж ан-нақд фи улум ал-ҳадис. – Дамашк: Дор ал- фикр, 1988. – Б. 540.



1. Санадлар ўртасида тахвил. Яъни бир исноддан бошқа иснодга ўтаётганида арабча ҳ аломатини қўйган.

2. Шайхлар ўртасини жамлаш. Яъни, агар Таҳовий ҳадисни икки ёки ундан ортиқ шайхлардан эшитган бўлса улар ўртасини "вов" ҳарфи билан жамлаган, сўнгра иснодлардаги қисмларни тўлдирган.

3. Ҳадислардаги ихола. Яъни бу ўқувчига бир бобдан бошқа бобга ўтишни осонлаштиради.

4. Матнларга ишора. Яъни, агар бир ҳадисни исноди ва матни билан келтирган бўлса сўнгра яна уни келтирмоқчи бўлса бунда матнни қайта келтирмайди. Бунда фақат "мислуҳу" ёки "наҳвуҳу" каби сўзлар билан кифояланган.

Имом Абу Жаъфар Таҳовий "Шарҳу Маъонил осор" асарида боблар таржимасида қўллаган услуби

Имом Абу Жаъфар Таҳовий "Шарҳу Маъонил осор" асарида боблар таржимасида асосан, унда келган ҳадислар мазмунига қараб белгилайдилар.

1. Умумий хабар сийғаси. Бу бир нечта йўлларни ўз ичига олади ва бу муаллифнинг асосий келтирган сийғасидир.

2. Истифҳом сийғаси. Масалан, "Таяммумнинг сифати боби. У нима?" деганни каби.

3. Бирор ҳадисдан иқтибос келтиришлари.

Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг "Шарҳу Маъонил осор" асарида жарҳ ва таъдил ва ровийларнинг таърифи борасида қўллаган услуби

Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг "Шарҳу Маъонил осор" асарида жарҳ ва таъдил борасида айтган сўзлари асосан, қуйидаги уч қисмга бўлинади:

1. У зотдан содир бўлганлари. Яъни, у зотнинг бу борадаги сўзлари жуда оз ва санокли бўлиб, у зот заъиф эканига ҳукми қилган ровийлар бештагина холос.

2. Бошқа уламолардан нақл қилганлари. Яъни муаллиф ўзи ровийнинг заъиф эканига ҳукм қилмай бошқа муаллифнинг бу борадаги сўзини келтириши. Масалан, "Язид ибн Адҳамнинг заъиф санаганидек" ёки "Буни Амр ибн Динор заъиф санаган" дейилгани каби.

3. Хасмларига ҳужжат тариқасида келтирганлари. Яъни, ўзлари уни заъиф санамай хасмлар тариқасига ҳужжат учунгина келтирганлари. Масалан, Садақа ибн Абдуллоҳнинг заъифлиги уларга нисбатан, "Садақа ибн Абдуллоҳ ахир сизларнинг наздингизда заъиф-ку?! Уни қанақасига ҳужжат қиласизлар!"¹⁸ дегани каби.

¹⁸. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон. Тайсир ал-аллом шарҳ умдат ал-аҳком. – Байрут. Дор ал-фикр, 1999.



ФҶОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА АДАБИЁТЛАР РҶЙХАТИ

1. Нуриддин Атр. Манҳаж ан-нақд фи улум ал-ҳадис. – Дамашқ: Дор ал- фикр, 1988. – Б. 539.
2. Ал-Ғаззолий. Ал-Мустасфо мин илм ал-усул. – Байрут: Дор Ҳодир. 1995.
3. Ар-Ромахурмузий. Ал-Мухаддис ал-фосил байн ар-ровий ва ал-воий. – Байрут: Дор ал-фикр. 1984. 26. Жалолиддин ас-Суютий. Тадриб ар-ровий фи шарҳ тақриб ан-Нававий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1989. 1-2 жузлар.
4. Ибн Салоҳ. Улум ал-Ҳадис. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1986.
5. Маҳмуд Таҳҳон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 1992.
6. Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳат ан-назар шарҳ нухбат ал-фикар. – Байрут: Нашр йили кӯрсатилмаган.
7. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлақ ар-ровий ва адаб ас-сомеъ. – Ар- Риёд. Мактаба маъориф, 1983. 1-2 жузлар.
8. Хатиб Бағдодий. Ал-Кифая фи илм ар-ривая. – Байрут: 1986.
9. Муҳаммад Жамолиддин Қосимий. Қавоид ат-таҳдис. – Байрут. Дор ал- кутуб ал-илмия, нашр йили йўқ.
10. Муҳаммад Ижож ал-Хатиб. Ас-Сунна қабла ат-тадвин. Дор ал- фикр, 1993.
11. Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв. Ал-Ҳадис ва ал-муҳаддисун. – : Дор ал-кутуб ал-илмия, 1984. Ҳадис тўпламлари
12. Абу Довуд ат-Таёлисий. Муснад Аби Довуд ат-таёлисий. – Байрут: Дор ал-маърифа. 1402х.
13. Абу Довуд. Сунан Аби Довуд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996.
14. Абу Исо ат-Термизий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ ва хува сунан ат-Термизий. – Байрут: Дор ихё ат-тирос ал-арабий. 1995.
15. Ад-Дорақутний. Сунан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996.
16. Ал-Байҳақий. Ас-Суан ал-кубро. – Байрут: Дор ал-кутуб ал- илмия, 1999.
17. Ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Байрут: Дор ал-кутуб ал- илмия. 1996.